301194

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 5 ноябрь, шанба | №165 (21.739) | Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Кунани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланиб бораётганини ва бунда жаноб К. Х. Кунанинг муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Элчи орқали Германия Федерал канцлери Хелмут Колни парламент сайловида у раҳбарлик қилаётган сиёсий партия эришган муваффакият билан қутлади.

Жаноб Карл Хайнц Куна самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий, сиёсий, молиявий, маданий соҳалардаги муносабатларини янада ривожлантириш имкониятлари хусусида сўзлади.

Суҳбат чоғида, жумладан, халқаро ҳаётнинг долзарб масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

"ОВОЗИ ТОЖИК" ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни ва барча муштарийларни мамлакатимизнинг кекса нашрларидан бири — "Овози тожик" газетасининг 70 йиллик тўйи билан самимий табриклайман.

"Овози тожик" Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби улуғ боболаримиз ардоқлаган халқлар ўртасидаги азалий ва абадий дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сизлар икки элнинг тарихий мероси, мумтоз қадриятлари ва маданиятини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, Марказий Осиё ҳудудида тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдасиз.

Газета Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тотувлиги, умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини ҳар томонлама, тезкорлик билан ёритаётганидан мамнунмиз.

Ишонаманки, "Овози тожик" газетасининг ижодий жамоаси бундан буён ҳам жамиятимизда дўстлик, эзгулик ва адолат тантанаси йўлида бор маҳорати ва куч-ғайратини бағишлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

РЎЗНОМА ТЎЙИ

4 ноябрь куни Тошкентда "Овози тожик" рўзномасининг 70 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов очиб, Президентимизнинг "Овози тожик" рўзномаси жамоасига табригини ўқиб берди.

Рўзнома Президентимизнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев йиғилишда ана шу юксак мукофотни топширди.

Жамоатчилик вакиллари, журналистлар, вилоятлардан, қўшни Тожикистондан келган меҳмонлар рўзнома жамоасини шонли байрам билан қутлаб, ижодий ютуқлар тилади.

Ўзбек ва тожик санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров иштирок этди.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Халқ депутатлари Каттақўрғон туман кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. М. Нуриддинов бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги деҳқончилик саноати уюшмаси кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келаётган Саидрасул Остонов туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар тасдиқланди.

Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов сессияда нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

БОСНИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР МУЗОКАРАЛАР

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Вильям Перри ва Буюк Британия мудофаа вазири Малькольм Рифкинд Пентагонда ўзаро музокара ўтказди. Унда Босния тинчлик қарор топишида серблар тутган йўл асосий тўсиқ бўлмоқда, — деган фикр билдирилди.

БОЙИШ МАҚСАДИДА ҚОНУННИ БУЗГАНЛАР

БУХАРЕСТ. Руминия ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари мамлакатда онгли равишда жиноятга қўл уриш кўпайиб бораётганидан жиддий ташвишга тушмоқда. Ажабланарлиси шундаки, жиноятга қўл ураётганлар асосан солиқ, банк тизими, божхона каби давлат органларининг хизматчиларидир. Статистика маълумотларига кўра, сўнгги пайтда порахўрлик бўйича ҳибсга олинганлар сони 3127 нафарни, бойиш мақсадида қонунни бузганлар эса 3372 нафарни ташкил этди.

РАҲБАР ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

ЖЕНЕВА. Швейцариялик дипломат Ханспетер Кляйнер Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Сараеводаги миссияси раҳбари этиб тайинланди. Унинг асосий вазифаларидан бири Босния пойтахтида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кузатишдир.

РОССИЯЛИК КУЗАТУВЧИЛАР

ВАШИНГТОН. Россия сиёсий партиялари вакилларидан 10 киши Америка Қўшма Штатлари конгрессига бўладиган сайловларни кузатиш учун АҚШга келди. Сайлов 8 ноябрда ўтказилади.

БОШ КОТИБНИНГ НИЯТИ

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Кишиневга ташриф буюриш ниятида. У Молдова ҳукумати раҳбарлари билан Россия қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши, табиий офат талофатларини тугатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

ВАБО ЧЕКИНМОҚДА

ҲИНДИСТОН. Сурат шаҳрида вабо эпидемияси буткул бартараф этилди, деб баёнот берди Гужорат штати маъмуриятн. Шаҳарда махсус дастурга асосан иш олиб борилгани туфайли кейинги икки ҳафта ичида бирор киши ҳам вабога чалинмади.

ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ҚУРИЛАДИ

ТОЖИКИСТОН. Республика Вазирлар Кенгаши фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Душанбе шаҳрида "Ватаним — онам" ёдгорлик мажмуасини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Ёдгорлик мажмуаси Москва шаҳрида тайёрланмоқда.

НЕФТЬ ҚАЗИШ КЎПАЯДИ

ХАНОЙ. 2000 йилга келиб, Вьетнамда нефть қазиб олиш миқдори йилига 20 миллион тоннага етказилади. ВСР Миллий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида шу ҳақда маълум қилинди.

КУЧЛИ ЁМҒИР ТУФАЙЛИ ҲАЛОКАТ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон жанубидаги Андҳра Прадеш штатида ёғиб ўтган кучли ёмғир натижасида қарийб 75 киши ўлди. Табиий офат йирик автомобиль ҳалокатига сабаб ҳам бўлди. Неллор мавзесида ўтган чоршанба куни автобус ҳайдовчиси кучли ёмғир туфайли машинани бошқаролмай, йўловчилар билан дарёга қулаб кетди.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШ ҲАҚИДА АРИЗА БЕРДИ

СЕУЛ. Тайинланганига 11 кун бўлган Сеул шаҳри ҳокими У Мен Гю истеъфога чиқиш ҳақида ариза берди. Журналистлар билан суҳбатда у 21 октябрда 32 кишининг ҳаётига зомин бўлган кўприк қулашида шахсий жавобгарлик ҳис этаётгани учун шундай қилганини айтди. Мамлакат пойтахтининг собиқ ҳокими Ли Вон Чон ҳам худди шу фалокат туфайли мансабидан олинган эди.

ХОРИЖИЙ АВТОМОБИЛЛАРГА ЭҲТИЁЖ ОРТЯПТИ

ПЕКИН. Жорий йилнинг ўтган 8 ойида Хитой хориждан 150 мингта автомашина сотиб олди. Уларнинг асосий қисми Япония, Германия ва Америкада ишлаб чиқарилган енгил автомобиллардир.

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАГАНЛАРИДА...

УЛАН-БАТОР. Мўғилистон деҳқонларининг кузги йиғим-терим юзасидан ўтказган дастлабки ҳисоб-китоблари юқ ташвишли бўлди. Дон экинлари ҳосилдорлиги гектарига 8,8 центнерни ташкил этди, холос. Режадаги 450 минг тонна ўрнига жами 324 минг тонна дон йиғиб-териб олинди.

САРМОЯДОРЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИ

ИНДОНЕЗИЯ. Ҳукумат мамлакатда шифохоналар қуриш учун хорижий сармоядорларга кенг йўл очди.

Лекин, Индонезияга сармоя киритишни истовчи хорижий тадбиркор албатта маҳаллий ишбилармонлар билан шериклик қилиши ва қурилажак шифохона директори индонезиялик бўлиши лозим. Бундан ташқари, ҳамкорликда қурилган касалхоналарда ишловчи шифокорлар кўпроқ маҳаллий кадрлар орасидан олиниши керак.

ТАДБИРКОРНИНГ АҲДИ

Асл келиб чиқиши Ҳиндистондан бўлган сингапурлик йирик тадбиркор Дади Бальсара авлодлари юрти иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишга аҳд қилди.

У Ҳиндистоннинг энергетика, алоқа ва соғлиқни сақлаш соҳаларига 50 миллиард рупий (1,6 миллиард доллар) ҳажмида сармоя киритишга қарор қилди.

БОЗОРИ ЧАҚҚОН ГУЛЛАР

ТАИЛАНД Осиёдаги энг кўп гул етиштирувчи мамлакатга айланмоқда.

Мамлакат хорижга ҳар йили 30 миллион долларлик гул сотмоқда. Мутахассислар фикрича, бу кўрсаткич мазкур йилда 33 миллион долларни ташкил этади. Таиландда етиштирилган гулларнинг энг бозори чаққони эса орхидеядир.

САВДО СОҲАСИ ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

ХИТОЙ Халқ Республикаси бозор муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида савдо соҳасини ислоҳ қила бошлади.

Энди чакана савдодаги маҳсулотларнинг 5,9 фоизига ҳукумат нарх белгилайди, холос. 1987 йилгача эса маҳсулотларнинг 97 фоизига давлат нарх қўяр эди. Айни пайтда оилавий, хусусий ва қўшма корхоналар мамлакат савдо тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ИСМОИЛ ЖЎРАБЕКОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли қурултой қатнашчилари!

Азиз дўстлар!

Партиямиз Раиси бугунги қурултой ишчанлик муҳитида ўтишига, унда қабул қилинажак ҳужжатлар мамлакатимиз иқтисодиётида ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшади, деб қатъий ишонч билдирди. Ҳукуматимиз олиб бораётган халқчил ташқи ва ички сиёсат мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминламоқда. Бугун қурултойда биз партия учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимизда кўппартиялилик асосида бўладиган илк сайловларда ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга қаратилган амалий ҳаракатлар дастурини белгилаб олмоғимиз лозим. Бунинг учун ушбу масалани партия ташкилотларимизнинг маълум тажрибаси, яқин ўтмиш сабоқлари ва ҳозирги даврнинг хусусиятларини эътиборга олиб, кенг ижтимоий-сиёсий доирада кўриб чиқишимиз зарур.

Сайловлар натижаси Ўзбекистонда конституциявий ва ҳуқуқий асосларга таянган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини янада ривожлантиради, деб умид қиламиз.

Мамлакатда янгича маънавий-ахлоқий муҳит таркиб топмоқда, кадриятлар қайта тикланиб, улар ижодий жиҳатдан қайта идрок этилмоқда, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган янгича ёндошувларни излаш тобора кенгаймоқда.

Ватанимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашни кўзлаб халқ хўжалигини ҳозирги замон фан-техникаси асосида қайта тиклаш ва сифат жиҳатидан янгилашга, унинг таркибини ва инвестиция сиёсатини ўзгартишга киришилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, мулкчилик турларини ва тадбиркорликни ривожлантириш, эркин нарх сиёсатига ўтиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича кенг миқёсли дастурлар собиткадамлик билан ҳаётимизга татбиқ этилмоқда. Президентимиз кўплаб хорижий давлатлар фирмаларининг бошликлари билан учрашди. Ўзбекистонга ҳозир барча давлатларнинг вакиллари келяпти. Олдинлари ушбу фирмалар вакиллари Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия ва бошқа жойларга борарди. Лекин, охирги уч йил ичида уларнинг қадами Ўзбекистондан узилмаяпти. Нима учун? Чунки Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукмрон. Бугун ҳам бир хорижий фирма вакиллари билан учрашдик. Улар ҳам тинчлик, осойишталик, барқарорлик мавжудлиги учун биз Ўзбекистонга келяпмиз, деб таъкидлашди.

Мамлакатимизда мустақил, серқиррали, янгича ташқи иқтисодий фаолият тизими юзага кела бошлади. Эндиликда Ўзбекистон жаҳон бозорида фақат сифатли хом ашёси билангина эмас, балки рақобатбардош моллари билан ҳам ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Жамиятдаги шаклланаётган янги сиёсий маданият бўлажак сайлов жараёнида ўз ифодасини топмоғи даркор. Унинг асл мақсади — сайловларнинг бевосита иштирокчилари ўз сайловолди дастурлари билан халқ ишончини қозониш учун курашишларидан иборатдир. Бироқ, у жамоат кучларини ўзаро ҳолдан тойдириш ёки давлат мустаҳкамлиги асосига путур етказиш курашига айланмаслиги керак. Демократия ва кўппартиялилик сари бизнинг йўлимиз — мамлакат Олий Мажлисига ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик идораларига муносиб депутатларни сайлаш учун энг қулай шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Сайловолди курашида эса Олий Мажлис ҳамда жойларда шаклланаётган давлат ҳокимиятининг янги вакиллик идоралари тизими олдига қўйилаётган юксак талабларга лойиқ бўлган, амалий иши, тажрибаси, билими, Ватанга содиқлиги билан давлатни бошқаришда, қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда бевосита фаол қатнашишга тайёр эканлигини исботлаган депутатликка номзодларгина голиб чиқиши мумкин.

Қонунга тўла риоя этиш ва ҳалоллик — сайлов жараёнини олиб боришнинг устивор қоидалари бўлмоғи лозим. Ҳокимиятнинг ижроия идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари давлатимиз тарихида биринчи марта бўладиган бундай сайловларнинг уюшқоқлик билан, демократик ва тинч тарзда ўтиши учун Конституция ва қонунларимиз доирасида ўзларига берилган ваколатдан фойдаланишнинг барча чораларини кўришлари керак.

Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури И. А. Каримовнинг Ватанимиз буюк келажагини яқинлаштириш бўйича ишлаб чиққан сиёсати асосий йўналишларига, мамлакат халқ хўжалигини бозор муносабатлари шароитларига ўтказиш бўйича ислоҳотчиликка оид бешта тамойилига, республика Олий Кенгашининг XVI сессиясида илгари сурган сайловолди умумхалқ, умуммиллий даъватларига асосланган дир.

Партиямизнинг сайловчилар ҳукмига олиб чиқаётган ана шу муҳим ҳужжатида аҳоли барча табақаларининг асосий манфаатлари инобатга олинган, ижтимоий ҳимоя, таълим, маданият, фан соҳалари бўйича барча таклифлар асосланган, деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури меҳнатсевар халқимизнинг орзу-ниятларига мос келади, десак хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бўлажак сайловларда кўзлаётган мақсадларига эришади ва мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг ишончли сиёсий таянчи эканлигини исботлайди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги қурултой делегатлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошлангич ташкилотлари ва кенгашлари, барча аъзолари халқимизни республикамиз Президенти Ислом Каримов атрофида жипслаштиришга, юртимизда тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга бутун куч-ғайратлари ва салоҳиятларини сафарбар этадилар!

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, якдиллик ва эзгу ниятларингизнинг рўёбга чиқишида ютуқлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ ПАРТИЯ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ЁПИЛИШИДАГИ ЯКУНЛОВЧИ СЎЗИ

Азиз дўстлар!

Партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи ўз ишини тугатмоқда. Сизларнинг юксак интизом ва уюшқоқлигингиз, масъулиятни теран ҳис этишингиз туфайли қурултойимиз ўз олдида турган вазифаларни тўла-тўкис бажарди, дейишга ҳақлимиз.

Қурултойимизнинг муваффақиятли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Биз бунинг учун партиямиз Раиси, Президентимиз, муҳтарам И. А. Каримовга чин дилдан самимий миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, биз ўз ташаккуримизни республикамиз, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бошқа раҳбарларига бизни қўллаб-қувватлаганликлари, қурултойимиз ишида иштирок этганликлари учун изҳор этамиз.

Кўриб чиқилган масалаларнинг долзарблиги, қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмуни, моҳиятидан келиб чиқиб, ушбу қурултойнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тарихида ёрқин из қолдириши шубҳасиздир.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди, вазифалар аниқланди, йўл-йўриқлар берилди. Марказий Кенгаш ва Сиёсий ижроқўм кундалик фаолиятларида ушбу ҳужжатлар ва делегатлар билдирган фикр-мулоҳазаларга таянадилар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоратадбирларини кўрадилар.

Қурултой партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурини қабул қилди, республика Олий Мажлисига ундан номзодлар белгилади.

Эндиги вазифа — вақтни бой бермасдан мазкур ҳужжатнинг мазмуни ва моҳиятини, партиямизнинг ҳаётбахш даъватларини кенг тарғиб этиш, уларни ҳар бир сайловчига етказишдан иборат. Ана шу мақсадларда партиямизнинг "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари, бошқа оммавий ахборот воситалари, тарғибот ва ташвиқотнинг анъанавий ҳамда замонавий шаклларидан самарали фойдаланиш, биронта ҳам сайловчини эсдан чиқармаслик, бизга ҳайрихоҳ бўлган ташкилотлар, фуқаролар билан самарали амалий ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Агар партиямиз ташкилотлари ташаббус кўрсатиб, унумли ишласалар, ҳар бир партия аъзоси, унинг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, партия, Ватан, халқ манфаатлари йўлида енг шимариб меҳнат қилса, сайловларда галаба қозонишимиз муқаррардир.

Мустақиллик туфайли жамиятимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий вазият, шиддатли тезкорлик билан рўй бераётган улкан ўзгаришлар даври, партиявий ва фуқаролик бурчимиз бутун куч ва билимимиз, маҳорат ва имкониятларимизни олдимизда турган олижаноб мақсадларга йўналтиришни, партиямизнинг жиддий сиёсий имтиҳондан муваффақият билан ўтишига ўз ҳиссамизни қўшишни талаб этмоқда.

Ана шу талабларга, халқимизнинг бизга билдиражак ишончига, истиқболимиз истиқболлари ҳаққи муносиб бўлайлик!

Омад бизга доимий йўлдош бўлсин!

Омон бўлинглар!

ЎЗДОНМАҲСУЛОТ ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИДА

Кейинги вақтда республика ташқарисидан дон харид қилиш фақат валютага ва жаҳон нархлари бўйича амалга оширилмоқда. Уни ташиб келтириш ва қайта ишлаш харажатлари тобора ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ун, сўнгра эса нон таннархига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлашни сақлаб қолиш, шунингдек, ун ва нонинг республика ташқарисига, яъни ҳозирги вақтда бу маҳсулотларнинг нархи анча юқори бўлган жойларга (Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга) ташиб кетилишига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йилнинг 5 ноябридан бошлаб ун ва булка нон учун янги нархлар, уларнинг бир килограмми учун тегишли равишда ўртача 7 ва 6 сўм миқдорида белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ

А. АСАНОВ,

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жанговар отряди ҳамда ажралмас қисми бўлган Қорақалпоғистон республика ташкилоти бугунги анжуманимизга сафларини кенгайтирган, сиёсий жиҳатдан чиниққан ҳолда келди. У 29 мингдан зиёд партия аъзоларини бирлаштириб, ўлкамиз иқтисодиётини ривожлантиришда, халқимизнинг ижтимоий ва маданий турмушини юксалтиришда, диёримизни гуллаб-яшнатишда фаол қатнашмоқда.

Ҳозир партия ташкилотларимизнинг бутун диққат-эътибори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловларда фаоллик ва юксак уюшқоқлик билан қатнашишга қаратилгандир. Улар барча даражадаги Кенгашлар депутатлигига номзодлар танлаш масаласига жиддий муносабатда бўлдилар. Бошланғич партия ташкилотларининг тавсиялари асосида партия кенгашларининг кенгайтирилган пленумлари қарори билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига биздан 526 нафар фуқаро номзод қилиб кўрсатилди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти конференциясининг иккинчи босқичида Жўқорғи Кенгес депутатлигига мавжуд 86 та округнинг ҳаммасидан номзодларни бердик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига эса 14 кишининг номзодини партия рўйхатига киритдик.

Биз депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сиёсий ва касб-кор тайёргарлиги, инсонийлиги, ҳалоллиги, талабчанлиги, Президент ва партиямиз сиёсатига содиқлиги, ислоҳотлар йўлига фидойилиги каби фазилатларини алоҳида ҳисобга олдик. Улар орасида аҳоли барча табақалари, турли миллат вакиллари, хотин-қизлар, истиқболли ёшлар, зиёлилар, ишбилармонлар бор.

Республика партия ташкилоти сайлов мавсумининг навбатдаги босқичида амалга оширадиган ишларни аниқ белгилаб олди. Шуларнинг энг биринчиси — сайловчиларга Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастурини, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил ички ва ташқи сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришдан иборатдир. Ундан кейинги ишимиз эса депутатликка номзоди кўрсатилган кишилар билан бевосита алоқада бўлиб, уларга ўз дастурларини ишлаб чиқишда, ишончли вакилларини танлашда амалий ёрдам бериш билан боғлиқдир.

Партиямизнинг илк бор кўппартиялилик асосида, демократия қоидаларига тўла риоя этилган ҳолда ўтказиладиган сайловларда ишончли ғалаба қозониши жуда муҳимдир. Бунинг учун ихтиёримиздаги барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Бу борада, айниқса, тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти сўзсиз ортиши турган гап. Зиёлилар вакиллари — социологлар, сиёсатшунослар, жамиятшунослар, ўқитувчилар, шифокорлар, маданият ва санъат ходимларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари ишини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада ҳам партиямиз Марказий Кенгаши бизга ёрдам кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Биз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XII пленуми қарорига биноан жамоат бирлашмалари билан тузилган сайловолди ҳамкорлиги доирасида ўз режаларимизни тузиб олдик. Шунга мувофиқ Қорақалпоғистон республика партия кенгаши республика Касаба уюшмалари кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи республика қўмитаси, Хотин-қизлар, Фахрийлар кенгашлари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари билан сиёсий шерикчилик асосидаги ишларни бошлаб юбордик. Биз тузган битимлар партиямизнинг "Қорақалпоғистон овози" газетасида эълон қилинди.

Ўйлаймизки, бугунги қурултойимиз, у қабул қиладиган ҳужжатлар партия ташкилотлари фаолиятининг самарали бўлишига хизмат қилади.

М. ГЕЛДИЕВА,

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти Қарши туман кенгаши биринчи котиби

Партиямиз ёш бўлишига қарамасдан сиёсий ташкилот сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмоқда. У, мамлакатимизда осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларини амалга оширишда кўмаклашиш билан бир қаторда иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айни пайтда партиямиз олдида жуда катта, мураккаб вазифалар турибди.

Янги Конституцияга мувофиқ, кўппартиялилик асосида биринчи маротаба давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ўтажак сайловларда иштирок этаяпмиз. Бутун ташкилий, тарғиботчилик ишларини олиб бориш партия ташкилотлари елкасига тушади. Шундай экан, биз сайловолди ишларимизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида И. А. Каримов олға сурган вазифалар ҳамда бугун қабул қилинадиган Сиёсий дастур асосида ташкил этиб, барча имкониятлардан тўлиқ фойдалана олсаккина партиямиз жамиятдаги ўз мавқеини сақлаб қолади. Ҳозир айрим кишилар Халқ демократик партияси нималарга қодир экан, деб кузатиб турибди. Партиянинг фаолияти ва кундалик ишларидан ўзларини четга олиб юрган сафдошларимиз ҳам йўқ эмас. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Халқ демократик партиясидан кўрсатиладиган номзодлар Ватанга, Президентга, ўз партиясига содиқ бўлган эътиқодли, имонли, инсофли, халқпарвар, юртим деб, элим деб, ёниб яшайдиган, республикамиз манфаатларини ўз манфаатидан юқори қўядиган кишилар бўлишлари керак. Ўшандагина биз ўз мақсадларимизга эришамиз.

Демократик, инсонпарвар жамиятни ва ҳуқуқий давлатни қуриш вазифаси зиммамизга катта масъулият юклашини сезиб турибмиз. Бу соҳада ҳаммамиз бир бўлиб, фикримиз бир жойдан чиқиб, партиямиз Марказий Кенгаши биринчи котиби маърузасида илгари сурган вазифаларни амалга оширсак, биз албатта, сайловларда муваффақиятни қўлга киритамиз, деб ўйлайман.

Р. ҚАМБАРАЛИЕВ,

Наманган вилояти Учқўрғон тумани "Учқўрғон" жамоа хўжалигининг бошланғич партия ташкилоти котиби

Ўтган давр партиямизнинг шаклланиши ва мамлакатимизда етакчи сиёсий куч сифатида ўз ўрнини топиб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳар қандай сиёсий партиянинг асосий таянчи ва негизи унинг қуйи бирикмалари, яъни маҳалла, корхона ва муассасаларда тузилган бошланғич партия ташкилотлари бўлиб, улар партия сиёсатини бевосита ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланадилар.

Мен ҳам ана шу таянч бўғинлардан бирининг етакчиси сифатида қуйи ташкилотларнинг иш жараёнини янада яхшилаш ва унинг самарали фаолият кўрсатиши хусусидаги айрим фикр ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Аввало, бошланғич ва цех партия ташкилотларининг Низомда кўзда тутилган йилнинг ҳар чорагида ўтказиш зарур бўлган мажлисларига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен раҳбарлик қилаётган бошланғич партия ташкилотининг ўзида 6 та цех партия ташкилоти бўлиб, ҳар чоракда камида бир марта ўтказиладиган йиғилишларини ҳисоблаганда, битта бошланғич партия ташкилотининг ўзи бир йилда партия гуруҳларининг йиғилишларини қўшмаган ҳолда 28 марта партия йиғилишини ўтказишга тўғри келмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда партия Низомининг 21-банд I-абзацининг 2-жумласини "Йиғилиш заруратга қараб, аммо камида ярим йилда бир маротаба чақирилади" деб ўзгартиришни таклиф этаман.

Шунингдек, партия аъзоларини аъзолик бадаллари тўлашдан озод қилиш кўзда тутилган моддага аниқлик киритиш ва буни тегишли партия органи билан келишилган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман. Яъни 39-банднинг 4-абзаци 2-жумласини "Бошланғич партия ташкилотлари туман, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси билан келишилган ҳолда ўз қарорлари билан моддий аҳволи туфайли партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлай олмайдиган кишиларни шундай бадаллар тўлашдан муайян муддатга озод қилиш ҳуқуқига эгадирлар", деган сўзлар билан ўзгартиришни таклиф этаман. Ана шу истакларни билдирар эканман, бугун қурултойимизда таклиф этилаётган Низомга ўзгартиришлар жуда ўринли, деб ҳисоблайман.

А. МИРСАЛИМОВ,

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби

Мустақиллик шарофати билан миллий мафкура — миллий онг тушунчалари қайтадан шаклланмоқда. Буни чин дилдан ҳис этаётган вилоятимиз меҳнаткашлари республика Президенти И. А. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаб, истиқлол йўлидан шахдам бормоқдалар. Ҳамма жойда ислоҳот режалари қадам-бақадам амалга оширилаётир.

Ҳурматли Президентимиз яқинда вилоятимизга қилган ташрифлари давомида халқимиз амалга ошираётган ишларга баҳо бериш билан бирга йўл қўйган камчиликларимизни, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиб бердилар. Ҳозир белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Эрта-индин ризқ-рўзимизнинг асосий манбаи бўлган пахта сотиш бўйича давлат буюртмасини бажарамиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида вилоятимиз партия ташкилоти республикамиздаги энг йирик ташкилот сифатида шаклланди. 35 мингдан ортиқ аъзоларимиз вилоятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

Асосий эътиборни сафларимизнинг сифат таркибини яхшилашга қаратмоқдамиз. Партия ҳужжатларини топшириш жараёнида биз ғоявий эътиқоди мустаҳкам бўлмаган, маънавий қашшоқ, икки томонлама ўйин қилувчи, шахсий манфаатини халқ, жамият манфаатидан устун қўювчи 6 мингдан зиёд шахсларнинг баҳридан ўтдик. Бу эса, сафларимизнинг жипслигини мустаҳкамлабгина қолмай, ишларимиз сифат ва самарасини оширишга хизмат қилди. Уч йил давомида 9 мингга яқин киши партиямиз сафларига кирди. Бу омма орасида партиямиз обрўси ортиб бораётганини кўрсатади.

Қурултой муҳокама этаётган масалалар ўта долзарб ва ҳаммамиз учун тақдириломон аҳамиятга эга. Чунки улар мустақил давлатимизнинг келажаги ва ҳар биримизнинг тақдиримиз билан чамбарчас боғланган.

Барча вилоятлардаги сингари биз ҳам бўлажак сайловларга тайёргарликни барвақт бошладик. Омма ўртасида Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонунларини ҳар томонлама тушунтиришга ҳаракат қилдик. Халқ суйган кишиларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга алоҳида эътиборни қаратдик. Натижада 642 нафар аъзо ва хайриҳоҳларимизни турли даражадаги депутатликка номзод этиб кўрсатдик. Бундан буёнги бош вазифамиз — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бугун қабул қилинадиган сайловолди Сиёсий дастурини кенг оммага етказишдир. Муқобиллик асосида ўтадиган сайловлар арафасида ҳар бир хонадонга, ҳар бир сайловчига ташвиқотчи, тарғиботчиларимизнинг етиб бориши катта аҳамиятга эга.

Аммо бу борада бир қийинчиликка учраб турибмиз. У ҳам бўлса ташвиқотчи ва тарғиботчиларимизни Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонунлари матни билан таъминлашдир. Улар ҳозирча етарли эмас. Бу муаммони биз билан бирга Марказий Кенгаш ҳам ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмас эди. Сайловлардаги ишончли ғалаба биз кўпдан бери умид қилиб юрган, ҳаммамиз кутаётган Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинишини ҳам тезлаштиради, деган умиддаман.

Л. ЮРИКОВА,

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши иккинчи котиби

Партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи туб иқтисодий ислоҳотлар, кенг қамровли ўзгаришлар даврига тўғри келмоқда. Айниқса, бўлажак сайловларнинг бу даврга тўғри келиши янги ҳокимиятнинг шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Шуниси қувончлики, жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли ва истиқболи бор. Бу ўринда ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг одилона сиёсатини, халқпарварлигини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Республикамизнинг бошқа вилоятлари партия ташкилотларида бўлгани сингари 14 мингдан ортиқ ХДП аъзосини ўз сафларида бирлаштирган бизнинг ташкилотимиз фаоллари ҳам сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини авж олдириб юборишди. Буни вилоятнинг барча туман ва шаҳар ташкилотларида бўлиб ўтган партия кенгашлари пленумлари мисолида кўриш мумкин. Улар асосан номзодларни танлаш, улар билан ишлаш масалаларига бағишланди. Биз ишбилармон, халқнинг ҳурматини қозонган, иқтисодий қийинчиликларга бардош бера оладиган кишиларни қўллаб-қувватлашни асосий мақсад деб билдик. Ишонамизки, Халқ демократик партиямиздан кўрсатиладиган номзодлар халқим деб, юртим деб жон куйдирадиган инсонлардир.

Бугунги олий анжуман минбаридан туриб, партиямиз Дастури ва Низомига қуйидаги ўзгартишлар киритишни таклиф қиламан.

Биринчиси. ХДП Низомига, ижро интизомига риоя қилмайдиган, юқори партия ташкилоти қарорларига амал қилмайдиган, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарайдиган партия аъзосига қаттиқ партиявий чоралар кўрилиши керак, деган таклифни киритаман.

Иккинчиси. Партия Низомининг 5-моддаси биринчи бўлимига, агар ХДП аъзоси икки ойдан кўп вақтда аъзолик бадалларини сабабсиз тўламаса, ундай киши партия ташкилотида муҳокама қилинади, деган қоида киритилсин.

Ўзбекистон ХДП Низомида кўп йиллик стажга эга бўлган партия аъзосига партия нишони ҳамда гувоҳномаси берилсин, деган жойи бор. Ана шу истакни амалда бажарилишини тезлаштиришни сўрайман.

Б. РАҲИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси

Ўзбекистон мустақиллигининг тўртинчи йили бошланди. Бу даврда республикамизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик шароитида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ривожланиб боряпти. Давлатчилигимиз, жамиятни иқтисодий жиҳатдан янгилаш, халқ ҳокимиятчилиги ва ошкораликни янада такомиллаштира бориб улкан вазифалар ҳал этилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг халқаро обрўси ўсиб бораётгани, республикамизда ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, миллий пул бирлиги — сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг ўз ўрнини топиб бораётганлиги бунга мисол бўла олади. Ҳатто чет эл иқтисодчилари сўмнинг бир-икки йил мобайнида барқарорланишини башорат қилмоқдалар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй бераётир. Пахта яккаҳокимлиги тугатилди, пахтадан бўшаган майдонларга ғалла, сабзавот, полиз экинлари экиляпти, узумчилик ривожлантирилмоқда. Деҳқонларнинг томорқа ерлари қарийб уч бараварга кўпайди. Агар 1990 йилда у 250 минг гектар майдонни ташкил этган бўлса, ҳозир 750 минг гектарга етказилди. Республикамиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиладиган қишлоқ кишиларининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Саноатда ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш туфайли кўп тармоқли иқтисодиёт яратиляпти.

Халқ хўжалиги ва турмушнинг бошқа соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Биз, кекса авлод кишилари аҳолининг кам таъминланган қатламлари — пенсионерлар, уруш қатнашчилари, фронт орқаси меҳнаткашлари, урушда ҳалок бўлган жангчилар оилалари, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича катта ишлар олиб борилаётганини алоҳида қайд этамиз. Бунга республикамиз Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимизнинг шу тоифадаги аҳолининг маош ва нафақаларини ошириш бўйича қабул қилган бир қанча фармон, фармойиш ва қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин. Айниқса, уруш қатнашчилари ва у уш орқасида хизмат қилганларга "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари берилиши ва моддий рағбатлантириш жорий қилингани, фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан махсус ҳисоб очилиб, унга тушган маблағларни фақат урушда қатнашганлар, уруш орқасида бўлганлар, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига моддий ёрдам бериш кўзда тутилгани ҳаммамизни қувонтирмоқда. Биз булар учун чин юракдан давлатимиз раҳбарларига миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Ҳозирги пайтда бизнинг асосий вазифамиз республиканинг энг оммавий, обрўли ижтимоий-сиёсий ташкилоти — Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан биргаликда халқимизнинг энг муносиб, энг яхши вакилларини, ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга депутат қилиб сайлаш, бунинг учун сайловларга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этишимиз керак.

Биз, фахрийлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан биргаликда республика раҳбариятига бундан буён ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмакдошмиз.

Сайлов мавсуми даври ва ундан кейин ҳам биз Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, уларга халқимизнинг шонли, жанговар ва меҳнат анъаналарини етказиш, уларни мустақил Ватанга чексиз садоқат, уни ҳимоя қилишга шай туриш ҳамда буюк аждодларимиз анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялаш учун барча чораларни кўрамиз.

Ўзбекистон Фахрийлар ташкилоти Халқ демократик партияси билан биргаликда республикамизда яшаётган халқларнинг дўстлиги ва тенг ҳуқуқлилигини янада мустаҳкамлаш, ҳар бир халқнинг миллий маданияти, миллий қадриятига ҳурматни шакллантириш, тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича тинимсиз иш олиб боради.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланадиган халқ депутатлари халқ ишончини оқлашига, уларнинг фаолият ва ҳаракатлари мезони — сўзи ва иш бирлиги бўлишига, улар Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш вазифаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этасизлар.

Ж. МОЛДАБЕКОВА,

Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги иқтидорли болалар мактаби директори

Ўтган уч йил ичида партиямиз бутун халқимиз, мамлакатимиз билан биргаликда мазмунли йўлни босиб ўтди ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топишга муяссар бўлди.

Шу даврда вилоятимиз партия ташкилоти ҳам мустаҳкамланди, ўз сафларини кенгайтирди. Партия ташкил этилган пайтда вилоятимизда 10 минг нафар партия аъзоси бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 12 ярим минг нафардан ошди. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида партия сафларига 1450 нафар янги аъзолар қабул қилинган бўлса, шулардан 802 нафари ёшлардир. Вилоят партия ташкилоти таркибида 31 миллат вакиллари бор.

Вилоятимизда ҳар бир партия аъзоси, партия ташкилоти мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги бош йўналишни қўллаб-қувватламоқда ва юртимизда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарорларини кенг омма орасида тарғиб қилиш борасида анчагина ишларни қилмоқда. Вилоятда фермерлик ва ижара муносабатларини ривожлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида партия ташкилотлари чорвачиликка оталиқ қилмоқдалар. Кўпгина партия ташкилотларимиз аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини ўз назоратларига олганлар. Вилоятда уч йилдан бери "Меҳр-мурувват" тадбирлари амалга оширилмоқда. Халқимиз кучи билан тўпланган маблағ ҳисобидан кўп болали оилаларга, ногирон ва қаровчиси йўқ кишиларга озиқ-овқат, кийим-кечак тарқатилмоқда.

Ёшлар келажагимиз, эртанги кунимиздир. Уни қандай тарбияласак, юртимизнинг эртаси ҳам шундай бўлади. Фахрийлар, ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда партия ташкилотлари ёшларни ишга жойлаштириш, ўқув шароитларини яхшилаш, дам олишлари, касб танлашларига оталиқ қилиш сингари муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда ўқув юртларимизда, мактабларимизда онгли, ҳаракатчан, мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотларни ижобий, ақл-идрок билан қабул қилиб, Президентимиз фармонларини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшаётган тадбиркор ёшлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Жойларда партия кенгашларимизнинг, бошланғич партия ташкилотларимизнинг мактабгача тарбия муассасаларига, мактабларга ғамхўрлигини ҳар жиҳатдан ҳис этиб турибмиз. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги Халқ демократик партияси аъзоларидир.

Бугун партиямиз ташкил этилганининг 3 йиллиги нишонланмоқда. Шу давр ичидаги фаолиятимизни яна бир бор чуқур таҳлил этиб, олдимизда турган вазифаларни аниқлаб, белгилаб олишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни уюшқоқлик ва партиянинг кенг иштироки билан ўтказиш ҳамда ўзининг илғор аъзоларини депутатликка сайланишини таъминлаш партиямизнинг муҳим вазифасидир. Бунинг учун номзодларимизга барча шароитни яратмоғимиз ва уларга яқиндан ёрдам бермоғимиз керак.

Ш. ТЕМУРОВ,

Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси

Кимки ўз фаолиятида халқ билан ҳамнафас ва ҳамдард бўлса, унинг манфаатларини ҳимоя қилса обрў ва ишонч топади. Партиямиз, айниқса, кейинги йилларда маҳаллаларимизга кира бошлаб, обрў топди, натижада ўзаро ҳамкорлик вужудга келди. Шу туфайли партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамғармамиз ҳамкорлигида дастлаб Тошкент шаҳрида, кейинчалик вилоятларда маҳалла оқсоқолларининг семинар-ўқишлари ташкил этилди ва улар ўз самарасини берди. Натижада Наманган, Андижон, Жиззах, Хоразм каби вилоятларда худудий партия ташкилотларини ташкил этиш авж олди. Тошкент шаҳрида 481 маҳалланинг 275 тасида партия ташкилотлари фаолият кўрсатиб келаётгани, "Олмазор" маҳалласининг 70 ёшли табаррук оқсоқоли Қаюм ота Умаров ўзи билан бирга 30 нафар маҳалла фаолларини партия сафига бошлаб кирганлиги, Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги 32 та маҳалла оқсоқолининг 20 нафари ўз тақдирини ХДП билан боғлагани фикримизга далилдир.

Кўппартиялиликка асосланган сайловларни уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказишдаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этмоқдамиз. Мен барчани сайловларда ғалабани қўлга киритишга, партиямиз Марказий Кенгаши турли жамоат ташкилотлари, жумладан, "Маҳалла" жамғармаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартномага садоқат билан ёндошишга даъват қиламан!

Маълумки, оилани мустаҳкамлаш, она ва болаликни муҳофаза қилиш, келажагимиз бўлган ёшлар тўғрисида давлатимиз катта ғамхўрлик қилиб келмоқда. Аммо улар фаолиятини янада такомиллаштиришда ХДП ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз ёрдамларини кучайтирмоқлари лозим. Афсуски, маҳаллаларимизда партиямиз раҳнамолигида, айниқса, ёшлар ҳаётига бағишланган тадбирларга кам эътибор берилаётганлигини эътироф этишимиз керак. Бу холат биз, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига ҳам таалуқлидир. Ёшлар Иттифоқининг бу борада партия ташкилотларига, маҳаллаларимизга яқинлашуви улар фаолиятининг янада жадаллашишига ёрдам берган бўлур эди.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кучли ижтимоий йўналтирилишини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига, хусусан ўқувчи ва талабаларга моддий ва маънавий мадад бериш сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида республика "Маҳалла" жамғармаси ўз стипендиясини ташкил этди. У кўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ва ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган, ахлоқи, одоби намунали, жамоатчи фарзандларига берилади. Биз, ёшларнинг истиқболимиз йўлида катта ишларни амалга оширажакларини эътироф этган ҳолда, давлатимиз томонидан "Республика ёшларининг давлат дастури" ишлаб чиқилишига ишончимиз комилдир.

Энди айрим таклиф ва мулоҳазаларимни билдираман. Давлат тили ҳақидаги Қонунга ҳам 5 йил тўлди. Аммо, айрим партия ташкилотларида бунга тўлиқ амал қилинмаяпти. Айниқса, бу Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Миробод туманларида кўзга ташланмоқда.

Маҳаллаларда худудий партия ташкилотларининг ўсиши табиийдир. Аммо ташкилотлар котибларининг иш шароитини ҳаммаёрда ҳам яхши деб айтолмаймиз. Уларнинг кўпчилигида алоҳида хона йўқ. Партиямиз фаолиятини акс эттирувчи стендлар, зарур адабиётлар, қўлланмалар ва тавсияномалар етарли эмас. Ўйлаймизки, туман ва шаҳар партия кенгашлари бу ишга эътибор берадилар.

Партиямиз раҳбарлари ва масъул ходимлари маҳаллаларга янада кўпроқ яқинлашсалар, очиқ мулоқотлар қилсалар, фидойи, садоқатли фахрийларга нисбатан саховат ва мурувват кўрсатсалар партиямиз нуфузи, унинг халқчиллиги янада мустаҳкамланган бўлур эди. Бу ишда биз ҳар қандай ёрдамга тайёрмиз.

Партиямизга ишонч ва ҳурматнинг асосий белгиси-сифат кўрсаткичидир. Лекин, минг афсуски, ХДП аъзоси бўлган айрим масъул ходимларимиз орасида эскича тафаккур билан яшаётган, сўзи билан иши бир бўлмаган, ўжар одамларни кўриб таажжубланасан. Ўйлаймизки, партиямиз Марказий Кенгаши ўз фаолиятида кадрлар сиёсатига ҳам катта аҳамият беради.

И. КУБАЕВ,

Самарқанд вилояти Гўзалкент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

Хўжалигимиз меҳнат аҳли мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай ишламоқда. Жумладан, 1994 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш режаларини бажаришда катта муваффақиятга эришдик.

Биз 15 сентябрда пахта теримига киришиб, 5 октябрда давлат буюртмасини бажардик. Белгиланган марра ҳозирга қадар 120 фоиздан ошиб кетди. Ғалла тайёрлаш соҳасида ҳам жиддий ютуқларни қўлга киритдик. Ҳар гектар майдондан 35 центнердан ошиқ ҳосил олинди.

Хўжалигимизда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишга ерни ҳақиқий эгасига берганлигимиз туфайли эришмоқдамиз.

Президентимиз И. А. Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясида ғалла мустақиллигига эришиш вазифасини қўйди. Биз уни ўзимизга дастур қилиб олдик. Ҳозирга қадар кузги ғалла экиш режалари тугалланди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, меҳнатга онгли муносабатни шакллантириш борасида туманимиз ҳокимлиги ва партия кенгаши бир қанча ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Меҳнаткашларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш мақсадида туман партия кенгаши қошида ўқувлар ташкил қилинди. Улар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишларда олиб борилмоқда. Унга туман партия кенгаши, ижроия бюроси аъзолари раҳбарлик қилмоқдалар. Бу, албатта, одамларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатини кескин ўзгартирмоқда. Бундан ташқари туман ҳокимлиги ва партия кенгашининг қўшма қарорига биноан ҳар ойда бир марта ўтадиган Ягона мулоқот кунларида туманимиз ва вилоятимиз раҳбарларининг меҳнаткашлар билан учрашувлари кишиларимиз сиёсий онги ва маданиятини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, партиямизнинг II қурултойи ҳужжатларини ҳам ўрганишни йўлга қўйиш лозим. Бу сайловолди ишлар учун жуда зарурдир.

Д. ҚОРИЕВ,

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Бекобод шаҳар кенгаши биринчи котиби

Мен республикамиздаги энг йирик саноат ўчоқларидан бири — Бекобод шаҳри вакилиман. Шаҳримиз тимсолида давлатимиз ривожи босқичларини аниқ-равшан кузатиш мумкин. Бугунги кунда тўла ишонч билан айта оламизки, Бекобод саноатда ўсиш томон қадам ташлади. Шаҳримиз меҳнат аҳли, айниқса, республикамиздаги ягона металлургия заводи, цементкомбинати жамоалари иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан Ўзбекистон мустақиллигини

(Давоми 3-бетда.)

(Нутқлар қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда).

II ҚУРУЛТОЙИ КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Бошн 2-бетда.)

мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Республикамиз раҳбариятининг ўз вақтида кўраётган чоратадбирлари туфайли металлургия заводи қошида маъданчиларимиз учун жуда зарур бўлган металл соққа ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди, қувурлар ишлаб чиқарувчи цех қуввати оширилмоқда. Шунингдек, заводда халқ истеъмоли молларининг бир неча турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилдики, аҳоли бундан ғоят мамнун бўлмоқда.

Шу давр мобайнида шаҳар партия ташкилоти ҳам халқ орасида обрў-эътибор топди. Ташкил топган кезлари ташкилотимиз сафида тўққиз юзга яқин партия аъзоси бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони икки баробардан ошиб кетди.

Энг муҳими шундаки, сафимиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг гуллаб-яшнаши йўлида астойдил ишонч, умид ва эътиқод билан меҳнат қилаётган ишчи ва зиёлилар ҳисобига кенгайиб бораётир. Мустаҳкам эътиқодли, мақсади ва маслаги бир ватанпарварлардан ташкил топган партиянинг эса ҳар қандай синовлардан ишонч билан ўтиши аниқдир.

Шаҳар партия ташкилоти ўз фаолиятида бутун диққат-эътиборини — Президент фармонларини халққа етказиш, уни ташвиқ қилиш ва бажарилишини таъминлаш ишига қаратиб келмоқда. Айниқса, халқимизнинг баркамол келажагини таъминлаш учун ёш авлод тарбияси билан жиддий шуғулланмоқда. Бу борада бизга халқ орасида бўлишимиз, унинг дарди, ташвиши, қувончи билан бирга яшашимиз, унга доим ҳамнафас эканлигимиз қўл келаётир.

Бугун бевосита ана шу ҳаёт талабларидан, турмуш тажрибасидан келиб чиқиб, партия аъзоларимизнинг Низомимиз юзасидан билдирган мулоҳазаларидан бирини айтиб ўтмоқчиман. Жумладан, Низомимизда кўппартиялилик асосида ўтадиган сайлов талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимият вакиллик органларида тузиладиган партия фракциясига эътибор кучайтирилиши, унга алоҳида расмий тус берилиши ҳамда унинг вазифалари ва ваколатлари алоҳида таъкидлаб кўрсатилиши зарур, деб ҳисобланган эди. Бугун биз ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқдик, бизнинг истагимиз инобатга олинибди. Шу муносабат билан Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Жамиятимизнинг етакчи сиёсий кучи бўлмиш партиямиз жиддий имтиҳон арафасида турибди. Тарихимизда биринчи марта кўппартиялилик асосидаги сайловлар натижаси сиёсат майдонининг етакчи ижтимоий-сиёсий кучини белгилаб беради. Шундай экан, бугунги сайловлар нафақат партиянинг, балки ҳар бир партия аъзосининг шахсий тақдирига ҳам дахлдордир. Шаҳримиз ва вилоятимиз партия кенгашлари пленумларида айнан шу ҳақиқатни чуқур ҳис қилиб, тушуниб етган ҳолда, халқимизнинг энг етук, билимдон ва садоқатли, фидойи ўғилқизларини депутатликка номзодлар қилиб кўрсатдик. Имонимиз комилки, улар ўз сафдошлари ишончини оқлаб, сайловда муваффақият билан иштирок этадилар.

А. ОРИПОВ,

Ўзбекистон халқ шоири

Аввало, Халқ демократик партияси ташкил этилганлигининг уч йиллиги муносабати билан сиз, қурултой иштирокчиларини чин дилдан табриклайман. Менга баъзан ёшлар, турли тоифадаги кишилар партия ўзи нима, деб савол беришади. Албатта, бу атама ҳам нисбий, ҳам умумийдир. У асли, табиийки, ҳамфикр, ҳаммаслак, ғоядош одамларнинг эркин сиёсий уюшмаси, деган мазмунни билдиради. Шу маънода қадим-қадим замонларда ҳам ўзига хос фирқавий тузумлар мавжуд бўлган, дея оламиз.

Бобомиз Алишер Навоий:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Ёхуд

Навосиз улуснинг наво бахши бўл,
Навоий ёмон бўлса сен яхши бўл.

деганида ўзига хос сиёсий дастурини эълон қилмаган, деб ким айта олади?! Аёнки, Навоийга ва унинг ҳамфикрларига мухолифатда бўлганлар ҳам талайгина топилади. Ҳамма гап ҳар қандай фирқанинг муроду-мақсади нималигидадир. Ҳамма гап унинг халққа нечоғлиқ яқинлигидадир. Шу озод кунларимизни орзу қилиб, буюк Чўлпон бежиз ёзмаган эди:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

Муроду мақсадга эришиш, халққа маъқул бўлиш йўллари эса ниҳоятда хилма-хил ва мушкулдир. Агар бирор фирқа ниятларига етишиб, давлат бошқарувида ўз вакилларига эга бўла олса, бу унга нафақат юксак шараф бағишлайди, балки олий масъулиятни ҳам юклайди. Баъзи фирқалар эса четдан қараганда халқ манфаатини ўйлаётгандек кўринсада, амалда фақатгина мансаб учун курашиб найранг, номардлик йўлига ўтиб, ўз-ўзидан барҳам топиб кетади.

Биз катта қониқиш билан айта оламизки, Халқ демократик партияси кўпчиликни ўз атрофига жамлай олди ва жамламоқда. Бунинг энг муҳим сабаби Халқ демократик партиясининг ўз Раиси, Президентимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсатга содиқлигидадир. Илғор ғояларга таянган, фақат халққа суянган куч ҳеч қачон адашмайди, у сира ҳам заифлашмайди. Чинакам обрў топаман деган фирқа халққа таянибгина қолмай, балки уни олға бошлайди ҳам. Ватандошлари онгидаги мудроқ туйғуларни уйғотиб, ўзининг ҳамжиҳатлиги, халоллиги, ростгўйлиги билан ибратга айланади. Эндигина уч ёшга тўлган мустақиллигимизнинг тенгдоши бўлган Халқ демократик партиясининг фаолиятида ана шу каби фазилатларни учратиш, албатта,қувончлидир. Ҳар қандай фаолият эса серқирра бўлади. Биргина маънавиятни, хусусан, қадриятларимизга муносабат масалаларини олиб қарайлик. Ушбу жараёнда фирқа аъзоларининг иштирокини, фидойилигини қайд этиб ўтиш керак. Айни чоғда тилакларимиз ҳам йўқ эмас.

Балки менга шундай туюлар: улуғ боболаримизнинг тўйларини ёки қутлуғ саналарини нишонлашда, уларни тарғиб-ташвиқ этишда фирқа фаоллиги бир оз сустга ўхшайди. Буни ўнглаш учун, энг аввало, жамоат ташкилотлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлаш зарур деб ўйлайман. Модомики, халқчиллик ҳамда ватанпарварлик шиоримиз экан, Ватан ва халқ ҳақида гап кетган жойда биз, албатта, пайдо бўлмоғимиз, амалий фаолият кўрсатмоғимиз зарурдир.

Афсуски, гоҳида мустақил давлатимиз шаънига, унинг барқарор сиёсий муҳитига тош отишлар учраб туради. Тараққиёт инсон ҳаёти янглиғ қийинчиликларсиз кечмайди. Мухолифлар ўткинчи муаммоларда умри узун фил ясамоқчи бўладилар. Кимлар учундир юмшоқ бўлган собиқ империя бўйинтуруғини қўмсайдилар. Юртбошимиз ундайларга ўз вақтида зукколик билан жавоб бериб келаётир. Бошқалар-чи? Бошқалар ҳам ҳадеб сукут сақлайвермасликлари керакдир балки. Ахир, имкониятларимиз катта-ку. Масалан, шоирларимизнинг қўлларида қаламлари ўйнаб турибди, хоҳласалар олимлар ҳам жадал фикрлай олишлари мумкин. Хабарингиз бор, шу йил мамлакатимизда Президентимиз Фармони билан "Маърифат ва маънавият" маркази ташкил этилди. Бу жуда улкан воқеадир. Бу марказни моҳиятига кўра миллат маркази ҳам дейиш мумкин. Турли таклиф ва талабларни ўрганишса, улардан унумли фойдаланишса, демократияни ҳар тарафлама ривожлантиришда бундай марказларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Биз ҳозир умумхалқ сайловларига тайёргарлик кўраётирмиз. Она-Ватанга, жонажон халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш учун ХДПнинг олдида яна ҳам катта имкониятлар яралмоқда. Марказий Кенгашимиз биринчи котибининг маърузасида жуда ҳам манзур, ҳаётий гаплар айтилди. Унда шундай фикр борки, масъулиятсизлик билан ўзига ишончини йўқотган баъзи фирқа аъзолари, масалан, раҳбар ходимлар бўлса уларни лавозимларидан чақириб олишгача ҳуқуққа эга бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар, биз ҳозир унча осон бўлмаган бир шароитда яшаб турибмиз. Қийинчиликларга қарамасдан, юртбошимиз ижодкорларга ҳам муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Бу ўринда ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Дейлик, жаҳоншумул маъракаларни баланд мақомларда ўтказишнинг ўзи бўлармиди. Машаққатларимиз ҳам, албатта, раҳбарларимиз назарларидан четда эмас. Хусусан, мамлакатимизда қоғоз танқислиги кескин равишда сезилмоқда. Биз бошқа соҳалардаги каби қоғоз мустақиллигига ҳам эриша олсак, нур устига аъло нур бўларди. Бу муаммонинг ҳам ечилишига шубҳа йўқ. Балки, бироз фурсат керакдир. Орзу мўл, бироқ уларга етишиш ҳам осон кечмагай.

Барча хайрли ишларда ҳаммамизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин, азиз дўстлар!

Дўстим, ҳақ деганни қўллагин фақат,
Қушдек учар бўлса осмони бўлгил.
Адолат йўлида қудратинг кўрсат
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

Х. САИДОВ,

Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти Пахтаобод туман кенгаши биринчи котиби

Мамлакатимизнинг эртанги куни Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига кимлар сайланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотлари учун бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сиёсий-ташкилий жиҳатдан пухта таъминлаш кераклиги ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XII пленуми аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ташкилотларимиз шундан келиб чиқиб, фаолият кўрсатмоқдалар. Аввало, сайловлар тўғрисидаги қонунларни оммага етказиш, уларда кўппартиялилик асосида ўтадиган сайловлар моҳияти ҳақида маълум тушунчаларни вужудга келтириш бўйича тадбирларни амалга оширмоқдалар. Қонунлар рўзномаларда чоп этилиши биланоқ вилоят ва барча туман кенгашлари томонидан ўз таркибида олимлар, шоирлар, ёзувчилар, партия фаоллари ҳамда фахрийларни бирлаштирган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этилди. Уларнинг аъзолари маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида махсус жадвал асосида ушбу ҳужжатлар бўйича мулоқотлар ўтказмоқдалар.

Сайловлар даврида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича вилоят ва туманлардаги жамоат ташкилотлари билан шартномалар ишлаб чиқилди ва ҳозир уларда белгиланган талаблар асосида иш олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзодлар танлаш ишига вилоятимизда катта эътибор билан қаралди. Уларнинг партиямиз барча бўғинларида муҳокама этилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан омманинг янада яқинлашуви ҳамда унга халқ ишончини янада ошириш имконини берди. Номзод этиб сайланган фуқароларнинг инсоний фазилатлари ва касбий тайёргарлиги, биринчи навбатда Президентимиз ва унинг раҳнамолигида иш олиб бораётган Халқ демократик партиясига садоқати тилга олинди. Ҳар бир номзод ҳақида ўзимизнинг холисона фикр ва ҳулосаларимиз, таклифларимизни билдирдик. Бугун тўла ишонч билан шуни таъкидлаш лозимки, депутатликка халққа нафи тегадиган, унинг фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида хизматини аямайдиган номзодлар танланди. Эндиги вазифа — улар тўғрисида сайловчиларга тўлақонли маълумотларни етказиш, сайловларда улар ғалаба қозониши учун етарли овоз олишдир.

Бугунги қурултой партиямиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. У партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурини қабул қилиши билан бирга партиямиз Низомини янада такомиллаштириб, келажакда олиб бориладиган ишларимизга аниқлик киритишга имконият беради. Биз лойиҳада таклифларимиз инобатга олинганлигини кўриб қувондик. Қурултойдан қайтгач, унинг материалларини, биринчи навбатда, Марказий Кенгаш биринчи котибининг маърузасида баён этилган хулоса ва қоидалар ҳамда сайловолди Сиёсий дастурни барча партия аъзоларига, кенг жамоатчилигимизга етказамиз.

Ҳ. БЕГМАТОВ,

Самарқанд давлат университети кафедра мудири

Бундан уч йил олдин Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллигимизнинг илк меваси сифатида майдонга чиққан эди. Мен бугун партиямиз Марказий Кенгаши биринчи котиби маърузасини ва сўзга чиққан ўртоқларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, нақадар катта кучга эга эканлигимизга амин бўлдим.

Маърузада партиямиз ташкилотлари бугунги кунда қандай ишлар билан шуғулланиши лозимлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Бизнинг эндиги вазифаларимиз маърузада баён этилган йўл-йўриқларни, фикр-мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ этишдир. Сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари — бугунги кунда бизнинг энг биринчи вазифамиз бўлиши керак. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг даъватига мувофиқ партиямиз Марказий Кенгаши томонидан тайёрланган Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси Ватанимиз равнақи йўлида миллий маданиятимизни, миллий онгимизни, маънавиятимизни шакллантиришга қўшилган жиддий ҳиссадир!

Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизни миллий истиқлол руҳида тарбиялашга биз, партия аъзолари жалб этилганимизни масъулият билан ҳис қилишимиз керак. Уларни ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялашимиз асосий вазифаларимиздан биридир.

Биз ҳозир Самарқанд вилоятида сайловолди ишларини қизитиб юбордик. ЎзХДПнинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчилар рўйхатига вилоятимиздаги ХДП аъзолари ва партиясизларнинг кўпчилиги ҳеч иккиланмасдан дарҳол бизнинг партиямиз тарафдорлари эканлигини изҳор қилиб, ўз имзоларини чекдилар.

Партиямиз фаоллари вилоятимиз маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида бўлиб, учрашувлар ўтказмоқдалар. Халқимиз партиямизга ишонч билан қарамоқда.

Партиямиз халқ билан бирга эканлигини ўзининг кўплаб амалий ишлари орқали исботламоқда. Шунинг учун мен сайловларда партиямиз вакиллари, албатта, ғолиб чиқади деб, ишонч билан айта оламан.

Сизларга бу борадаги вазифаларимизни амалга оширишда куч-қувват тилайман.

С. ЗИЁДУЛЛАЕВ,

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Ал-Бухорий номли жамоа хўжалигидаги хусусий деҳқон хўжалиги бошлиғи

Мустақиллик шароитида ўтган йиллар биз учун чинакамига шакланиш ва мустаҳкамланиш йиллари бўлди. Ўзбекистон ХДП Низоми талаблари ва дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда сезиларли ишларни амалга оширдик. Ҳозирги кунда туманимиз кенгаши таркибида 50 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг атрофига 2030 нафардан ортиқ партия аъзоси бирлашган. Шу йилнинг ўзида туман бўйича 180 нафардан ошиқ киши партия аъзолигига қабул қилинганлиги, аъзолар сафида фермерлар, хусусий корхоналар ишчилари, зиёлилар вакиллари борлиги партиямизнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда партия ташкилотларимиз ва унинг аъзолари республика Президенти фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини изчил амалга ошириш, уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Айниқса, давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкни ҳақиқий эгасининг қўлига топшириш юзасидан туманимизда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Заҳматкаш деҳқонларимиз кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан халқимиз дастурхонини бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу жумладан, мен ҳам жамоа хўжалигида ҳосилот бўлиб ишлар эдим. Ерларни хусусийлаштириш бошлангач, мен ҳам хусусий деҳқон хўжалиги ташкил этдим. Ерларимизнинг 9 гектарида ёш ниҳоллар бўлиб, ҳосилга кирган икки ярим гектар майдондан 15 тонна мева-сабзавот етказиб бердик. Етиштирилган маҳсулотларимизнинг бир қисмини мактабга, болалар боғчасига, жамоа хўжалиги аъзоларига арзон нархларда сотдик.

Биз ердан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз. Шу йилнинг ўзида ниҳоллар остига, қатор ораларига полиз, сабзавот экиб, улардан ҳам мўл ҳосил олдик. Ҳозирги ҳисобларимизга қараганда, йилни 45 минг сўм соф фойда билан якунлаяпмиз. Бу — ўтган йилларда жамоа хўжалиги олган даромаддан анча кўпдир. Даромад кўпайиши ерга нисбатан эгалик ҳиссининг пайдо бўлишининг, тадбиркорлик билан меҳнат қилишнинг, аниқроғи, ерларни хусусийлаштириб беришнинг натижасидир.

Шу йилнинг ўзида мавжуд ерларимизнинг 7 гектарига кузги дон экдик. Баҳорда дондан ҳам мўл ҳосил етиштириб, ҳукуматимизнинг дон мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга оширишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Партия ташкилотлари ва уларнинг фаоллари учун масъулиятли синов даври бошланди. Бизнинг туманимизда ҳам Олий Мажлисга, вилоят ва туман Кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган туман ва вилоят кенгаши пленумларида қилинажак муҳим ишларни белгилаб олдик.

Олдимизда турган вазифаларнинг нақадар қийин, масъулиятли, шу билан бирга шарафли эканлигини ҳар бир партия аъзомиз чуқур ҳис этмоқда. Уларни амалга оширишда ҳурматли фахрийларимиз, Ёшлар Иттифоқи, Касаба уюшмалари, Хотин-қизлар кенгашлари ва бошқа бизга ҳамфикр жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Биз қурултой белгилаб берадиган долзарб вазифаларни тўла-тўкис бажаришга ўз куч-ғайратимизни қаратамиз.

Ҳ. АВЕЗОВ,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойи ваколат комиссияси раиси

Ҳурматли делегатлар!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойининг ваколат комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб ҳамда вакиллик меъёри 1300 нафар партия аъзосидан 1 делегат этиб белгиланганлигига асосланиб, қурултойга 288 нафар делегат сайланганлигини маълум қилади.

Қурултойда Самарқанд ва Фарғона вилоят партия ташкилотларидан энг кўп — 27 нафардан делегат қатнашмоқда. Қашқадарё делегацияси 26 нафар делегатдан, Наманган — 24, Андижон, Хоразм ва Тошкент вилояти делегациялари 23 нафар делегатлардан иборатдир. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти —22, Тошкент шаҳар — 21, Сурхондарё — 20, Бухоро — 16, Жиззах —15, Навоий — 11 ва Сирдарё вилоят партия ташкилоти 10 нафар партия аъзосини делегат этиб сайлади. Делегатлар таркибида деярли барча туман, шаҳар ташкилотларининг вакиллари бор.

Қурултой ваколат комиссияси барча делегатларнинг ваколатларини текшириб кўриб, уларни ҳақиқий, деб топди.

Комиссия қурултойга делегатлар таркиби Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий таркибига тўла мос тушиши тўғрисида ахборот беришни зарур, деб топди. Қурултойда жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Улар орасида муносиб ўринни зиёлилар, ишчи ва деҳқонлар, ишбилармонлар ва талабалар эгаллайдилар.

Делегат этиб сайланганлар орасида 62 киши қишлоқ хўжалик соҳасида, 35 нафари саноат, қурилиш ва транспорт соҳасида, 22 нафари халқ маорифи, тиббиёт, маданият ҳамда илмий муассасаларда меҳнат қиладилар.

Қурултойда 92 партия, 47 давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари бор, шу жумладан, 24 ҳоким делегат этиб сайланган.

Делегатлар орасида хотин-қизлар салмоғи сезиларлидир. Улар 63 кишини ёки делегатлар умумий сонининг 22 фоизини ташкил этадилар. 30 ёшгача бўлган делегатлар 18 нафар.

Делегатларнинг умумтаълим даражаси юқоридир. Уларнинг 87 фоизи олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга. Делегатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзолари, кўплаб профессорлар, фан докторлари ва номзодлари бор.

Партия ташкилотлари қурултойга ўзларининг энг фаол аъзоларини юборишган. Делегатларнинг 62 фоизи партиянинг барча даражадаги сайланма органларига сайланганлиги ва уларда ишлаётганлиги, ҳар 10 делегатдан бири бошланғич партия ташкилоти котиби эканлиги шундан далолат беради. Делегатларнинг 120 нафари ёки 42 фоизи барча даражадаги Кенгашларнинг халқ депутатларидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республикада мавжуд бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан узвий ҳамкорликдаги фаолияти делегациялар таркибида ҳам ўз аксини топди. Қурултой делегатлари орасида Касаба уюшмалари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Фахрийлар кенгашлари, Хотин-қизлар ташкилотлари, жамғармалар вакиллари бор.

Қурултой делегатлари таркибида ўзбеклар, қорақалпоқлар, тожиклар, қозоқлар, руслар, украинлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари бор.

Шуниси диққатга сазоворки, делегатларимиздан 34 нафари, яъни деярли 12 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойи делегатлари бўлганлар.

Ҳурматли делегатлар!

Қурултой ваколат комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойи делегатлари, уларни ваколат билан юборган партия ташкилотлари номидан қатнашишга ҳамда қурултой ваколатига кирувчи ҳар қандай қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар, деб ҳисоблайди. Қурултой делегатларидан ушбу маърузани тасдиқлашларини сўраймиз.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Севимли газетангиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлдингизми? Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли хабарлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм,

олти ойга — 126 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм,

олти ойга — 264 сўм.

КЎРГАЗМА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон кўргазмалар марказида жаҳонга машҳур Германиянинг "Сименс" фирмаси ҳамда унинг бўлинмаси бўлмиш Туркиянинг "Симко" корхоналарининг семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

— Семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад-келгусида республикадаги завод ва фабрикалар технологиясини программалаштирилган назорат бошқаруви орқали жиҳозлашни амалга оширишдан иборат, — дейди "Сименс" фирмасининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудлари бўлимининг маркетинг бўйича директори жаноб Петер Лайхшенринг.

"Сименс" келгусида республикамизда алоқа, автотранспорт, электр-техника тармоқлари учун бошқарув пульти жиҳозлари ҳамда кабель маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Германиянинг бундай йирик фирма ва компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш иқтисодиётимизнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши аниқ.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

The United States Information Service of the **American Embassy** is seeking an Administrative Assistant.

The job involves full financial management: budget planning, preparing vouchers and other financial documents, and keeping all financial accounts.

Fluent written and spoken English and Russian are required; fluent Uzbek is desired. Computer and tiping skills are required. Ideally, the successful applicant will already have two year's experience working for a foreign organization in a similar job.

Please send your Englishlanguage resume (including education and job experience) - to arrive no later than **18 November 1994** - to **700115 Tashkent, Chilanzarskaya St. 82, American Embassy, USIS.**

"Тошкентқурилиш" *корпорациясининг* **"Мутахассис"** *ўқув маркази қуйидаги мутахассисликлар бўйича навбатдаги ўқишга қабул қилади ҳамда ишга жойлаштиради:*

1. Газ—электр пайвандчи (кундузги ва кечқурун).
2. Бўёқчи — сувоқчи.
3. Ғишт терувчи.
4. Минорали кран машинисти.

Ўқиш давомида стипендия тўланади.

Ўқиш муддати — 2 ой.

Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан келган ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Шунингдек пуллик курсларга қабул қилади:

1. Газ — электр пайвандчилар.
2. Автомобиль, кўтарма кранлар машинистлари.
3. Бўёқчи — сувоқчилар, кошинкорлар.
4. Ғишт терувчи.

Бизнинг манзилгох: *Тошкент, Октепа даҳаси, Лутфий кўчаси, 6-уй.*

Телефонлар: 78-05-15, 78-05-17, 78-57-00.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 7

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турон тулпорлари". Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган кўрсатув.
18.30 "Кўнгил меҳрга ташна".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Шеърий дақиқалар.
19.40 Ҳотам Шерқўзиев куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Чўлпон. "Ёркиной". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.40 "Ўзбекистон" ахборот.
23.05 — 00.35 "Барҳаёт наволар". Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Деҳқон ҳиммати".
19.30 "Тошкентнома".
20.15 — 22.25 "Қўғирчоқ". Бадиий фильм.1 ва 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — **19.40** Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Қиш кутиб турмайди".

"ОМАД" таништиради:

20.20 "Совға".
20.50 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — "О".
22.55 Эълонлар.
23.00 "Курьер".
23.20 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
23.25 — 23.35 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.15 "Таваккал қилиб, ғалаба қозониш". Телеўйин.
19.45 "Рус театрининг шов-шуви". М. Захаров. "Телба кун ёки Фигаронинг уйланиши".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Шунақасига яшаса бўлади". М. Задорновнинг ҳажвий кўрсатуви.
22.30 — 23.50 Михаил Евдокимов "Бизнесмен Фома ҳақида" комедиясида.

Сешанба, 8

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Болалар учун фильм. "Экватор" кемасининг пассажири".
10.20 Немис тили.
10.40 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
11.40 — 13.40 "Болалигим — подшолигим". "Кичкинтой" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.35 "Мувозанат".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Мулоҳаза". Опера санъати ҳақида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Кино, кино, кино".
21.50 "Ракеталар учмаслиги керак". Бадиий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 "Видеогид".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — **19.40** Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
20.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
21.05 Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
21.35 "Қалбим қўри".
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Подиум".
22.40 "Мусиқий саёҳат".
23.05 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — **9.00** "Тонг".

***

18.00 "Кўҳна майдон сири".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. Л. Ландау.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 1994 йил қўшиқлари.
22.35 — 23.05 "Гол".

Чоршанба, 9

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Одам — амфибия". Бадиий фильм.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Дил тароналари.
11.40 — 14.10 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Барака мезони".
18.20 "Яшил бойлигимиз".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ёшлигим, тарк этма мени!". Жаҳон ёшлари ҳунига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Алпомиш авлодлари". XII Осиё ўйинлари қаҳрамонларига бағишланган кеча ("Туркистон" саройидан ёзиб олинган).
22.30 "Ғаройиб бола". Бадиий фильм.
24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Иқтисодий мустақиллик йўлида".
19.10 "Бедуиннлар".
19.40 "Тақдим".
20.00 "Балерина Насиба Алимова". Телефильм.
20.30 "Тошкент оқшомлари".
21.30 — 22.55 "Сир очилди". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".
19.50 Телефильм.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "ОМАД" таништиради:
"ҚИТЪА СПОРТИ":
— халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари ҳақида суҳбатлар;
— спорт ҳақида ҳикоялар;
— ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — **9.00** "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. Д. Вертов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Икки кун ва бутун умр". Телефильм премьераси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 — 23.20 Бадиий фильм.

Пайшанба, 10

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Болалар учун фильм. "Шаҳар чеккасида".
10.20 "Ота-ўғиллар". Телефильм.
10.50 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.20 "Ғазалхон ёшлигим".
12.00 "Мактабимиз — фахримиз".
12.30 — 13.00 Концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эзоз".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Болаликнинг сеҳрли олами".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Эл тинчлиги йўлида". Милиция кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.30 "ГАИ инспектори". Бадиий фильм.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 Видео янгиликлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.30 — 22.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".
19.50 Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармаси намунали-кўргазмали оркестрининг концерти.
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.10 — **22.10** "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — **9.00** "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?". ХХ аср. Э. Хонеккер.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
20.00 "Грэм Грин". Г. Боровикнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Москва — Кремль".
22.05 — 22.55 "Ягона дубль".

Жума, 11

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Болалар учун фильм. "Сеҳрли орол".
10.05 "Дони Зокиров". Телефильм.
10.35 Немис тили.
10.55 "Жонимга дармоним отам". Мусиқий композиция.
11.25 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари".
12.10 "Сайрам қадамжоларида".
12.50 "Ёшлар ва замон".
13.50 — 14.20 "Хиросима-94". Спорт кўрсатуви.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бозор иқтисоднёти сабоқлари".
18.25 "Хазинамиз таянчи".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Тижорат ва ҳалоллик".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Юрт ишқида ёниб яшайман". Нормурод Нарзуллаев ижодига бағишланган "Назм ва наво" кечаси.
21.50 "Суюнчи". Бадиий фильм.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Фароғат опа". Телефильм.
19.25 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
19.55 "Мўъжизалар оламида".
20.35 — 21.45 "Ўзгалар бахти". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Тотувлик".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.10 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
21.35 Эълонлар.
21.40 "Даракчи".
21.50 "Салом, ёшлар!"
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — **9.00** "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "Россия тароналари". Сергей Дружинин куйлайди (Екатеринбург).
18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. П. Карден.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 10-серия.

Шанба, 12

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Болалар учун фильм. "Тайга сири".
10.20 "Шоҳруҳ клуби".
10.50 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.05 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.05 "Янги китоблар".
12.35 "Қўшиқ рақсга уланса". Мусиқий кўрсатув.
13.05 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
13.45 — 14.35 "Улуғбекка бағишлов". Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг адабий композицияси.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Икки кучукнинг саргузашти". Мультфильм.
18.10 "Сиҳат-саломатлик".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Истиқлолнинг ойдин йўли".
19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахборот.
20.55 Эълонлар.
21.00 Телевизион новеллалар театри. Неъмат Аминов. "Қўнғироқ".
21.30 "Пахтазорга оқшом қўнганда...". Кўрсатув ва концерт.
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.30 "Кинонигоҳ".
13.10 "Омад" тақвими.
13.15 "Жозиба".
13.35 "Бир шингил ҳангома".
13.45 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.05 Видео янгиликлари.
14.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.10 — 16.50 "Кинонигоҳ".

***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт-тайм". Видеоканал.
21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Токиода 24 соат". Ҳужжатли фильм.
10.30—11.45 "Бувимни қайтаринг". Бадиий фильм (Узбекфильм").

***

18.10 — **19.40** Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.15 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
20.50 "Дўстлик чегара билмайди".
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Давр менинг тақдиримда".
22.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.40 "Шарқ рақслари". Лорел Грей саҳналаштирган Шарқ халқлари рақслари.
23.20 — 23.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Брейн-ринг".
18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг". Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 5-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Соҳиб Баллантре". Телесериал. 2-серия.
22.45 — 23.25 "Оба-На".

Якшанба, 13

ЎзТВ I

7.00 — **9.00** "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Кулинг, дўстлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 92—93-сериялар.
12.00 "Аҳвол қандай, чемпион?".
13.30 "Ижодкор портретига чизгилар". Кинокўрсатув.
13.00 Лирик концерт.
13.30 Болалар театрида. Анвар Обиджон. "Қоринботир".
14.20 — 15.00 "Хотира". Жавдат Абдулла.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Санъат ғунчалари".
18.30 "Ёшлик" студияси. "Қутлуғ ташриф".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда..."
19.55 Дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Якшанба оқшомида".
21.55 "Ижод завқи ва машаққати". Кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов.
22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Трактор".
23.45 — 00.15 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 "Таҳлил".
18.00 Эълонлар.
18.10 Видео — "О".
19.50 Эълонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "Об-ҳаво ҳақида".
20.30 "Постфактум".
20.40 "Рок ҳақида".
21.10 "Даракчи".
21.20 Эълонлар.
21.30 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 "Диққат, шаҳарда сеҳргар!". Бадиий фильм.
10.55 — 11.55 "Мусиқий танишув". Сосо Павлиашвили.

***

18.10 — **19.40** Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
21.05 "Дунё эшиги".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 Чет эл эстрадаси.
22.30 "Бу ажиб дунё".
22.50 — 23.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 Америка М. Таратута билан.
18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 "Ҳунарли хор бўлмайди".
18.25 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.20 "Бутун Россия". "Н шаҳрида".
22.00 "КВН-94".
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

СИРЛИ ДУНЁ СИРЛАРИ

Наманганлик қўшиқчи Жалолиддин Усмоновнинг ашулаларини тинглаганмисиз! У куйлаганда дил ўртанади. Баъзан ширин севги изтиробини ёдингизга солса, баъзан ҳижрон, аламдан "сўзлайди". Унинг бир чимдимгина суҳбатини олиш ниятимиз, қарангки, навбатдаги "Анор" телевизион кўрик-танлови ёзиладиган куни амалга ошди.

— Жалолиддин, қўшиқчи бўлишнинг азоб-қувончлари қандай экан?

— Биласизми, бу "азоб"ларни аввалдан ҳис қилганман. Чунки, бу менга ота мерос. Бобом ҳам, отам ҳам катта ашула айтиб, санъатга қизиқувчи кишилар бўлган. Ўзим эса 3-синфда ўқиётганимда қўшиқ айта бошлаганман. 1984-1987 йилларда Намангандаги мусиқа билим юртида ўқидим.

— "Ферузахон келин бўлди", "Остонамга келма бош уриб", "Йиғлама", "Дилоромим" каби қўшиқларингиз ёшларимизнинг юрагидан жой олган десам муболаға бўлмас. Айтингчи, нега энди кўп қўшиқларингизда ҳижрон, айрилиқ, ўз орзусига эришмаган йигит ва қизнинг армонини куйлайсиз?

— Ҳар бир инсон вақти-соати келиб севади-севилади. Лекин буни ҳаёт дейдилар. Кимдир биринчи муҳаббати билан умрбод бахтли яшайди, кимдир...

— Ўзингиз-чи?

— Худога минг қатла шукр,

•Санъат

бахтим бутун, кўнглим тўлуғ. Қўшиқларимнинг армонли эканлигига келсак, бу бошқа дунё. Негадир ёшлигимдан бери шундай дардли оҳанглар юрагимни ўртайди. Ёниб-ёниб куйлагим келади. Муҳаббат... Дунёда одамзот бор экан, у яшайверади. Ҳар бир юракда у гоҳ қайтадан гулдай очилиб, гоҳ кузги барги хазондек тўкилаверади.

Келинг яхшиси, барчанинг биринчи муҳаббати юрагида армон бўлиб қолмасин, деб ният қилайлик.

— Сиз санъатни нимага қиёслайсиз?

— Нимага... Қизиқ савол. У жонсиз нарса эмас, тириклик. Ахир кўнглингизни сел қилиб юборадиган қўшиқ эшитсангиз йиғлагингиз келади-ку! "Ўтган кунлар"ни, Отабекни эсланг. Э, бу ғалати ва сирли Дунё. Унинг қиёсини ҳеч ким тополмаган. Ҳатто Тўйчи ҳофиз ҳам, Комилжон оға ҳам. Менга ўхшаган, ҳали иккита қўшиқ айтиб улгурмаган ёшлар унинг қиёсини қайдан биламиз, дўстим!



Дарҳақиқат шундай. Мен санъатни мовий осмонга қиёс қилгим келади. Унда жуда кўп бетакрор овоз соҳиблари, табаррук устозларнинг ўз ўринлари бор. Биз ёшлар улардан ўрнак олсак арзийди.

— Устозларингиз кимлар?

— Мен ўзимнинг биринчи, азиз устозим деб табаррук падару бузрукворимни тан оламан. Чунки отам ёшлигимдан то шу кунгача менга ўзларининг санъатини ўргатиб келадилар.

— Замондош тенгқурларингизга қандай муносабат билдирасиз?

— Кейинги вақтда кўплаб ёшларимиз тижоратга берилиб кетишди. Кўча-кўйда дейсизми, маҳалладами, турли нарсаларни сотиб ўтирган ёшларни учратиш мумкин. Лекин, меҳр-оқибат, одамийлик, инсоф, диёнат каби улуғвор хислатлар пул билан ўлчанаётганига ачинасан киши:

Кўйлагингиз гулдор экан,
Билдик куёв пулдор экан.

дегандай, баъзан кўп нарсани бойлик билан ўлчаш ҳолларига ачинасан киши...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Арғумоқ остингдадур

ШАМОЛЛАШ — КАСАЛНИНГ БОШИ

Энди кеч к з тушиб, кунлар совий бошлайди. Бундай обҳаво шароитига ҳамма ҳам кўникиб кетавермайди. Аксарият кишилар тез-тез шамоллаш, томоқ оғриғи, боднинг қўзғалиши каби дардлардан азият чекадилар. Айниқса каттаю кичикни йўтал хуружи қийнайди. Шуларни ҳисобга олиб айрим малҳамларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Болалар йўталганда турпни қандга ўхшаш майдалаб, кострюлкага солиб, устига шакар сепинг. Кейин газ печида 2 соат паст оловда етилтиринг. Ажралиб чиққан суюқликни сузиб, шиша идишларга қуйиб олинг. Ҳар куни овқат олдидан ва тунда уч-тўрт марта чой қошиғида болангизга бериб турсангиз, фойда қилади. Иккита ўртача катталикдаги пиёзни майда тўғраб, бир стакан сутда пиширинг. У 4 соат тургач сузиб олиб, ҳар 3 соатда бир ош қошиғидан болаларга ичириш ҳам наф беради.

Катта ёшдаги кишиларнинг йўталини қолдириш учун қуйидагича малҳам тайёрласа бўлади: 20 г. сариёғ, 200 г. думба, 300 г. какао кукуни, 200 г. асал ва 15 та тухум сариғи, Шуларнинг ҳаммасини аралаштириб, паст оловда 10 минут пиширишкерак. Совутиб, бир чой қошиғида 0,5 стакандан камроқ иссиқ сут билан 3 маҳал ичиб юрсангиз "кўксов"ликдан қутуласиз.

Томоқ оғриб қолган пайтларда юз грамм тозаланган чеснокни олиб, майдалаб, шунча қайнатилган сувга аралаштириб, яхши ёпиладиган идишда бир кеча-кундузгача сақлагач, сузинг ва томоқни ғар-ғара қилиб юрсангиз, дарддан фориғ бўлишга имкон беради.

Сизларга сиҳат-саломатлик тилаб

МАРҒУБА бувн.

Мозийга назар

"САЗОЙИ КИШИ ЎҒРИЛИК ҚИЛСИН..."

Диёримизда ўғрилик қачон урф бўлган? Бу саволга 1916 йил кузида ўзбекнинг биринчи олий маълумотли ҳуқуқшуноси — тошкентлик Асадулла боғбон ўғли Убайдуллаҳўжа катта мажлисда жавобини берган эди. Россия императорлик география жамияти Тошкент бўлими аъзоларининг шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишида Убайдуллаҳўжа зиёлилар вакили сифатида маъруза қилади.

Тошкент шаҳар ҳокими, ўлка маҳкамаси ва бошқа нуфузли юксак лавозимдаги рус амалдорлари, офицер ва генераллари иштирокидаги йиғилишда ўзбек зиёлисига кўрсатилган бундай марҳамат ғагида гап кўп эди. Убайдуллаҳўжа фақат Туркистонда эмас, балки Россия марказида ҳам эътибор қозонган адвокат, журналист ва сиёсий арбоб эди. Уни Россия давлат Думаси раҳбарларидан князь Львов, Керенский ва бошқалар ҳам яхши билишган, у билан ҳисоблашишган.

Убайдуллаҳўжа Туркистон халқлари кўҳна маданияти ва маънавий дунёси ҳақида маъруза қилиб, Россия Туркистонни босиб олганидан кейин ўз дунёқараши, одобахлоқи билан маҳаллий аҳолига салбий таъсир кўрсатганига тўхталади. Ўзбеклар турмушига тамаки ва арақни олиб киргани, жойларда исловатхоналар очгани ҳақида гапириб, ёшларни йўлдан оздираётганига алоҳида урғу беради. Убайдуллаҳўжа ҳалол бўлган, ҳаромдан ҳазар қилган ўзбеклар орасида ўғрилар ҳам пайдо бўлганини аянч билан уқтиради. "Улар бизга ўғриликни ўргатди", деб очиқ айтади.

Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев маърузаси "Туркестанский голос" газетасида тўлалигича босилиб чиқарилади. Бундан ғоят ғазабланган рус шовинистлари Убайдуллаҳўжани судга беришади.

1916 йил декабрда Тошкент округ суди Убайдуллаҳўжа устидан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатади. Ўзбек адвокати батамом оқланади.

Зеро, Туркистон, хусусан, Шарқда ўғрилик умуман бўлмаган, дейиш қийин. Йўқса, "Бағдод ўғриси" деган гаплар чиқармиди? Лекин ўғрига таъзир бериш ўрнига қўйилган. Қўлга тушган ўғрининг ҳолига "вой" деяверинг. Эшакка тескари миндириб, кўчама-кўча, гузарма-гузар етаклаб юрилган, "Сазойи киши ўғрилик қилсин!" дея жар солинган. Одамлар ўғрининг афт-башарасини кўришган, нафратланишган, таниб қўйишган. Бундай аҳволга тушган ўғрининг яна эски "ҳунар"ини ишга солади, дейишга ўрин қолмасди.

Ҳамдам СОДИҚОВ, тарих фанлари номзоди.

•Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

•Маълум бўлишича буюк даҳолар, машҳур ёзувчилар, бастакорлар, рассому артистлар ҳамда лашкарбошилар кўпроқ январь, февраль ойида, камроқ июлда дунёга келар эканлар.

•Ўзингиз яшаб турган хонанинг деворларига қизил рангли қоғозлар ёпиштирилган ё бўялган бўлса юрак уриши тезлашиб, охири дардга чалинишингиз мумкин.

•Неапол университетининг олимлари 35 ёшли итальян Анна Пьяманчин билан ёнма-ён бир пайтлар Лукка шаҳрида истиқомат қилган, кейин автомобиль ҳалокатида ўлган Роберт исмли кимсанинг руҳи ҳамроҳлик қилаётганини исботладилар. Олимлар инфрақизил нур ёрдамида руҳнинг суратини олишибди.

•Ҳиндистоннинг Шивапур қишлоғида 55 ва 40 килограммли иккита тош бор. Агар катта тошга 11 кишининг, кичкинасига 9 кишининг бармоқлари теккизилса, ўзига хос оҳанг пайдо бўлиб, тошларнинг 2 метр баландликда муаллақ кўтарилиши ва бир ҳақиқадан кейин яна жойига тушиши кузатилган.

(Хорижий матбуот материаллари асосида).

"АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ"НИНГ 3-ЖИЛДИ

Қомуслар Бош таҳририяти яқинда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" номли 4 жилддан иборат ҳадислар тўпламининг 3-жилдини эллик минг нусхада босмадан чиқарди. Бунга қадар унинг 1- ва 4-жилдлари нашр этилиб, муҳтарам китобхонларга тақдим этилган эди. Ушбу тўпламнинг 2-жилди эса таржима жараёнида бўлиб, иншооллоҳ, у ҳам келгуси йилда китобхонлар қўлига етиб қолар.

Тўпламнинг янги чоп этилган 3-жилдида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғазотлар, ғозийлар, Қурён тафсири, Қурён фазилатлари, никоҳ, талоқ, нафақалар, таомлар, ичимликлар, ақиқа, қурбонлик ва ов хусусидаги ҳадиси шарифлари баён қилингандир. "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" жилдларининг тартиб бўйича нашр қилинмаётганлиги хусусига келсак, таҳририят аввал қайси жилд таржимаси тайёр бўлса, ўша жилдни чоп этган. Чунки ҳар бир жилд мустақил мавзуларга бағишланган бўлиб, бири иккинчисидан аввал чоп этилса, безарардир.



— Айтувдим-а сенга, иккита штат оғирлик қилади, деб.

Суратни Абдуғаффор МАМАТОВ чизган.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

ТошДУ ректорати кечки ва сиртқи ўқув бўлими бошлиғи Ю. М. Солиевга акаси **Абдумалик Маматқулович СОЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г — 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

топширилди — 00.20.

1 2 3 4 5 6.